

уркистон истиклоли учун фидойи курашчи Мадаминбекнинг улуг номини халкимиз доимо меҳр-муҳаббат билан тилга олиб келмоқда, унинг хотирасини калбининг тўрида сақламоқда.

Мадаминбекнинг асл исми Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўгли бўлиб, у 1892 йили Маргилон атрофида – ҳозирги Тошлок туманининг Садда кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Сўкчилик кишлоғида ўртаҳол оилада тугилди.

Мадаминбекнинг отаси Аҳмадбек ўрта бўйли, тўладан келган чиройли одам бўлганлигини маргилонликлар яхши эшлади. Аҳмадбекнинг беш фарзанди бўлиб, Мадаминбек уларнинг энг кенжаси эди. Мадаминбекнинг Максудали ва Мамадали исмли икки акаси, Меҳринисо ва Майрамнисо исмли икки опаси бўлган. Ота-онаси ўз даврининг саводли ва билимдон кишилари, маҳалла-кўй, кариндош-уруғлар даврасида бообрў одамлар бўлишган. Ана шундай маърифатли оилада вояга етган Мадаминбек тўғри сўзли, дўстларига садокатли, мулоҳазали ва диёнатли йигит бўлиб ўсди.

Мадаминбек Биринчи жаҳон уруши арафасида чор Россияси ҳукмронлигига қарши бош кўтаради. 1914 йили камокка олинади. Суд Мадаминбекнинг ўзи тан олмаган айблар – котиллик ва ўғриликни ҳам унга тўнкаб, 14 йилга Сибирдаги Нерчинск деган жойга қаторгага ҳукм қилади.

1917 йил Феврал инқилобидан кейин сиёсий маҳбус сифатида Мадаминбек озодликка чиқади ва Маргилонга қайтиб келади. «Шўрои уламо» жамиятининг раҳбарлари Мадаминбекни шаҳар миршаблари бошлиғи – кўрбошиси лавозимига бежиз тавсия этишмайди. Агар у котил ва ўғри бўлганида нуфузли уламолар ва зиёлилар унга бу лавозимни таклиф қилишмас эдилар. Совет режими йилларида Мадаминбек ва бошқа кўрбошиларга «ўғри», «боскинчи», «бандит» деган сунъий ёрликларни ёпиштириш одат тусига кирган эди.

Туркистонда болшевиклар ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллагач, Фарғона вилояти харбий комиссари К.Осипов Мадаминбекни Маргилон милицияси бошлиғи этиб тайинлаш ҳақидаги буйруққа қўл қўяди ва уни қурол-яроғ билан таъминлайди. 1918 йил январ ойининг охиригача Мадаминбек шу лавозимда хизмат қилади.

Бирок совет режимининг халққа қарши сиёсати Мадаминбекни озодлик учун курашга ундади. 1918 йил март ойининг бошларида Мадаминбек ўз милиционерлари билан истиклолчилар сафига ўтди. Мадаминбек айрим сиёсатдонлар ва тарихчилар ҳозир ҳам даъво қилаётганларидек, Кўкон хони бўлиш учун эмас, балки юртида тинчлик ўрнатиш ва боскинчиларга қарши курашиш учун қўлига қурол тутди. Мадаминбек атрофида Маргилон ва Тошлокдаги жасур чапани йигитлар тўпландилар. «Яккатут бўлиси Гарбува (Гарбобо) кишлоғидаги Мадаминбек гуруҳининг қароргоҳига оммавий равишда маҳаллий ёшлар келиб қўшилди», – деб ёзилади 1918 йилги расмий ҳужжатларнинг бирида.

1918 йил баҳорида Мадаминбек қўл остида даставвал 1000-1500 йигит тўпланди. «Дех

кондан сўнги яктагини ҳам тортиб олган» шўро хокимиятига карши курашиш Мадаминбекнинг асосий матлаби бўлган. Миллий-озодлик харакати сафига Мадаминбек сингари салохиятли саркардининг кўшилиши жуда катта ахамиятга эга эди. «Ўз олдида совет хокимиятини ағдариш ва Фаргона Мухториятини тиклаш вазифаларини кўйган Мадаминбек тадбиркор сиёсатчи ва уддабурон ташкилотчи фазилатларига эга эди», – деб тан олинади ўша даврга оид расмий хужжатларнинг яна бирида.

Мадаминбек йигитлари ўртасида харбий интизом кучли эди. Мадаминбекчилар боскинчи ва ўғрилари ўзлари ушлаб жазосини беришарди. Масалан, «1919 йил бошида Тошлоқда Исхок ишбоши ва Тожибек кунжарафуруш майда боскинчилик гуруҳларини тузгани учун Мадаминбек юборган одамлар томонидан отиб ташланди».

Мадаминбек сиймосида саркардалик, давлат ва сиёсат арбобиға хос сифатлар ўзаро мужассам бўлган. У Фаргона водийсидаги истиклолчиларнинг тан олинган йўлбошчиси эди. Мадаминбек водийдаги совет хокимияти органларига муқобил равишда ўз сиёсий бошқарув усулини ўрнатди. Бундай бошқарув усулини яна Фаргона водийсида Катта Эргаш ва Шермухаммадбек, Бухоро республикасида Иброхимбек, Мулла Абдулкаххор, Анвар Пошо ва Салим Пошо, Хоразм республикасида эса фақат Жунаидхон каби сардорларгина жорий этган эдилар.

1918 йил ноябр ойининг бошида Андижон уездидаги Ойимкишлоқда (хозирги Андижон вилояти Жалолқудук тумани) бўлган Фаргона водийси кўрбошиларининг курултойида Катта Эргаш кўрбоши ўрнига истиклолчиларнинг Олий бош кўмондони килиб Мадаминбек сайланди. Унинг ўринбосарлари килиб Катта Эргаш (тахминан 1882 – 1921) ва Шермухаммадбек (1893 – 1970) тайинланди.

Мадаминбек 1918 йилнинг охиридаёқ мустакилликка уринаётган йирик кўрбошиларнинг фаолиятини бошқаришга муваффақ бўлди. Шермухаммадбек, Нурмухаммадбек, Холхўжа Эшон, Махкам Хожи, Рахмонкул, Омон Полвон ва киргиз мужоҳидларининг бошлиги Муҳиддинбек сингари кўрбошиларни ягона кўмондонлик остига бирлаштириш ундан жуда катта куч-гайратни талаб этди. Ўз кишлоги ва туманида «ўзи бек» бўлган бу кўрбошиларнинг каршилиги ва ўзбошимчалигини Мадаминбек синдиришга эришди. У Холхўжа Эшоннинг шухратпарастлиги ва калтабинлигиға карши анча курашди. Катта Эргаш кўрбоши билан Мадаминбекнинг муносабатлари ҳам тез-тез ўзгариб турарди. Мадаминбек кўшини сафида халқнинг барча табакаларига мансуб кишилар бор эди. «Мадаминбек бойлар ва махаллий аҳоли томонидан тўла равишда кўллаб-қувватланмоқда», – деб айтган эди 1918 йил октябрда Маргилон шахрининг фавқулодда комиссари Сугрубов. «Мадаминбек хар қандай аксилинкилобчи ва советлардан норози одамни, у қайси миллат вакили эканлиги ва диний эътиқодидан қатъи назар, хурсандлик билан кутиб оларди», – дейилади бошқа бир расмий хужжатда.

Мадаминбек қиска муддат ичида ўз атрофиға аклли маслаҳатчиларни тўплади ва улар кўмагида яхши тайёрланган ходимларни Фаргона водийсининг ҳамма жойларига ўз вакиллари сифатида юборди. Мадаминбек юборган бундай вакиллар водийнинг барча шахарлари, катта кишлокларида бўлиб туб халқларни мустабид совет режими ва боскинчи кизил армияға карши курашға оёқлантирдилар.

«Мадаминбек турли сиёсий оқимдаги кишиларни бирлаштира олди. Шунинг учун ҳам ҳеч қайси кўрбоши унингчалик куч-қудратға эга бўлмаган эди», – деб ўша пайтдаёқ ёзган эди унинг гоъвий муҳолифларидан бири совет харбий тарихчиси В.Кувшинов.

«1919 йил январида Мадаминбек кўл остида 16000 кишидан иборат армия бўлган», – деб таъкидланади Фаргона вилояти совети номига 1919 йил 27 январда йўлланган ўта шошилич маълумотномада. Ўша йил ўрталарига келиб эса Мадаминбек кўл остида 25.000 йигит совет режими ва кизил армияга қарши истиклол жанглари олиб борган. Бу пайтда Шермухаммадбекда 20000 йигит, Катта Эргаш кўрбошида бўлса 15000–16000 йигит бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 1998 йил август ойида Фаргона шаҳрида бўлган митингда Мадаминбек шахсига, унинг суронли ҳаётига, бу миллатпарвар, исёнкор, оқил инсоннинг тақдирига муносиб баҳо бериб, совет тузуми даврида адолат ва ҳақиқат учун тинмай кураш олиб борган юртпарварнинг суронли ҳаётига қуйидаги тарзда муносабат билдирди: «Мадаминбек муттаҳам, ўғри бўлмаган. Озодлик, адолат учун курашган» («Халқ сўзи», 1998 йил, 11 август).

Ёш Мадаминбек тадбиркор лашкарбоши бўлиш билан бирга, уста сиёсатчи, мохир дипломат ҳам эди. У Фаргона водийсидаги кўрбошиларни ягона кўмондонлик остига бирлаштирди, Бухоро амири Саид Олимхон (1881 – 1944) ва Хива хонлигининг амалдаги ҳукмдори Жунаидхон (1857 – 1938) билан кизил армияга қарши биргаликда курашиш учун музокаралар олиб борди. Самарканд вилояти истиклолчиларнинг раҳбарлари Баҳромбек (? – 1922) ва Очилбек (тахминан 1883 – 1923) ҳузурига ўз вакиллари яннатди. Афғонистон ва Туркияга ҳам ишончли кишилар юборилди. Мадаминбек Россиянинг Кошгардаги собиқ консули Успенский ва Буюк Британиянинг бош консули П.Эсертон орқали жаҳон сахнасига чиқишга, Европа давлатлари ҳамда АКШдан болшевикларга қарши кураш олиб бориш учун иқтисодий ва ҳарбий ёрдам олишга интилдди. Мадаминбекнинг бу саъй-ҳаракатлари халқаро майдонда сезиларли ютуққа олиб келмаса ҳам, лекин Фаргона водийсининг ўзида мустабид совет режимига қарши кучларни бирлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мадаминбек томонидан мохирона дипломатик сиёсат юритилганлиги натижасида 1919 йил 22 октябрда унинг бошчилигида Фаргона Муваққат мухторият ҳукумати тузилгани водийдаги вазиятни истиклолчилар фойдасига ўзгартириб юборди. Ягона, кучли ва малакали замонавий мусулмон армияси тузиш ишлари кизиб кетди. 1919 йилнинг кеч қузига келиб, «Мадаминбек кўл остида салкам 30000 йигит» кизил армияга қарши истиклол жанглари олиб борди. Бу пайтда «Шермухаммадбекда 20000 йигит», «Катта Эргаш кўрбошида 8000 йигит бўлган». Ана шу лашкарбошилар водийдаги жанговар ҳаракатларни йўналтириб турдилар.

Совет режими ва болшевиклар истиклолчиларга қарши курашиш учун барча воситаларни ишга солди. Туркистон фронти, Турккомиссия, Туркбюро, кейинчалик РК(б)П марказий комитети Ўрта Осиё бюроси каби турли ташкилотлар, комиссия ва бюрлар тузилиб, боз устига Россия марказидан доимий равишда Туркистон минтақасига янги-янги кизил аскар қисмлари ташлаб турилди. Бу ҳолат, хусусан, Оренбург тикини тугатилгач, авж олиб кетди. 1920 йил январ ойининг ўрталарига келиб, жанговар ташаббус кизил армия кўлига ўтди.

Ҳарбий ташаббус кўлдан кетганлигини, ҳар қадамда хиёнат таъқиб қилаётганини кўрган Мадаминбек ўз йигитлари ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида Фарғонадаги совет кўшинлари кўмондонлигига яраш музокаралари бошлашни тақлиф этди. Истиклолчилар кўшинининг Бош кўмондони Мадаминбек билан 2-Туркистон ўқчи дивизиясининг бошлиғи Н.А.Верёвкин-Рохалский ўртасида 1920 йил 6 мартда Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида яраш битими имзоланди. Мадаминбек билан бирга совет ҳокимияти томонига

унинг ўнлаб кўрбошилари ва 3500 йигити ҳам ўтган эди.

Лекин Мадаминбекнинг дипломатик тадбирлари бу гал самарасиз тугади. Совет кўмондонлиги томонидан музокаралар ўтказиш учун кўрбошилар орасига юборилган Мадаминбек Шермухаммадбекнинг розилиги билан Холхўжа Эшон томонидан 1920 йил 14 майда киргизларнинг Коровул кишлоғи атрофида хиёнаткорона ўлдирилди.

Мадаминбек билимдонлиги ва ташаббускорлиги, ўзининг демократик карашлари ва харбий салохияти билан бошқа кўрбошилардан анча устун турган. У халк орасида кучли меҳр-мухаббат ва катта обрўга сазовор эди. Табиийки, миллат мустакиллиги учун курашган Мадаминбек сингари юртпарварлар совет режими учун жуда хавфли эди. Шу сабабли ҳам Мадаминбекнинг халок бўлишидан биринчи навбатда шўролар манфаатдор бўлган. Адолат юзасидан айтганда, Мадаминбекнинг айрим ишлари баъзи ўзбилармон кўрбошилар ва уламоларга ҳам ёқмас эди. Истиклолчилик ҳаракатидаги бундай зиддиятли ҳолатлар Мадаминбек қисматининг фожиали тугашида ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади.

Мадаминбек фожиали равишда халок бўлган бўлса ҳам, унинг порлок номи Туркистон тон истиклолчилари ўртасида тилларда дoston бўлди. Мадаминбек хақида турли кўшиқлар тўкилиб, истиклолчилар томонидан қуйланди. Махфий архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, ана шундай кўшиқ матнларининг бирига Мунаввар Қори анча сайқал бергач, бу кўшиқ яна ҳам машхур бўлиб кетади.

Мадаминбекнинг қабри ҳозирги Қирғиз истон Республикаси ҳудудида, Олой воҳасидаги Шигаё кишлоғидадир. Бу манзил XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб ўзбек, қирғиз ва бошқа туркий халқларнинг зиёратгоҳ масканига айланган. Қабр устига ўрнатилган мрамартошда «Туринг бегим, гуноҳларни ювайлик, босқинчини Она юртдан қувайлик!» деган шеърий битик лотин имлосида ўзбек тилида ўйиб ёзилган. Шеърий матн остида қилиқнинг расми акс эттирилган.

Мадаминбек юрт озодлиги ва истиклоли учун курашда қурбон бўлди. У ўз ўлими билан бугунги Мустакилликимизга пойдевор қўйди, ҳозирги истиклол қунларимизни яқинлаштирди.

*«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2002 йил 21-сонидан олинди.*